Ушбу сонда:

2 ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
унга аёллар учун қўшимча имтиёзлар киритилди

3 *Инсондан қоладиган яхшилик, меҳру оқибат*
САВОБ ДЕГАНИ ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРАДИ

4 *Кино*
ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 апрел, сешанба №62 (1076)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 апрел куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Таъкидламоқ жоизки, Оқ уй раҳбари ўзгарганидан кейин АҚШ маъмурияти расмий вакилларидан иборат делегация илк бор юртимизга ташриф буюрмоқда.

- Мазкур ташриф АҚШнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бораётганини яна бир карра тасдиқлайди, - деди Ислом Каримов меҳмонлар билан суҳбатда. - Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳам АҚШ билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори. Айни пайтда хавфсизликни таъминлаш борасида бизга АҚШ томонидан кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдормиз. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар кимнинг аслида кимлигини, яъни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ким самимий ёрдам бераётганию, ким кўмак бериш баҳонаси билан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун замин тайёрлашга уринаётганини аниқ кўрсатиб беради.

Президентнинг бу сўзлари бежиз эмас. АҚШ мамлакатимизга кўп бор божхона хизмати, қуролли кучлар ишлатадиган замонавий техника воситалари етказиб берган ва бермоқда. Бу гал эса меҳмонлар чегарачиларимиз учун тунда кўриш мосламалари олиб келган.

Оқсаройдаги учрашувда АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз борди. Томонлар, айниқса, минтақавий хавфсизлик масалаларига кўп эътибор қаратди. Хусусан, Афғонистондаги зиддиятни бартараф этиш бўйича тузилган «6+2» гуруҳи доирасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, террорчиликка қарши кураш, давлат чегарасини мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ АСОСИДА

АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасига қирқ дона тунда кўриш мосламаси тақдим этди.

Бу мосламаларнинг умумий қиймати юз минг долларга тенг. АҚШ армияси бундай воситалардан 80-йилларнинг ўрталаридан буён фойдаланиб келади. Енгил ва жуда қулай бўлган бу мосламалар Ўзбекистон чегарачиларининг ишини янада такомиллаштиради.

Ўзбекистон ва АҚШ ҳарбийлари ўртасидаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, «Марказий Осиё хавфсизлиги ташаббуси» (CASI) дастури доирасидаги ишларда фаоллик юқори. Ўтган йили мазкур дастур доирасида америкаликлар ускуна сотиб олиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистонга уч миллион доллар ажратган эди. Мазкур дастурдан кўзланган мақсад террорчиликка, оммавий қирғин қуроллари ва оддий қурол-аслаҳалар, шунингдек, гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши курашда Ўзбекистонга кўмаклашишдан иборатдир.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Ҳёрбст ва мазкур қўмита раиси М.Ўтаганов иштирок этди.

(ЎзА).

Ҳадемай мактабларда ўқув йили тугаб, ўғил-қизлар ёзги таътилга чиқадилар. Шу боис, болалар оромгоҳларини мавсумга пухта шай этиш юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Мутасаддилар бу борадаги илғор тажрибалардан унумли фойдаланишга, ўтган йилги камчиликлар такрорланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ

мавсумга қандай ҳозирланмоқда?

— Баркамол авлодни камол топтиришда оромгоҳларнинг ўрни беқиёс, - дейди Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Эсонбой Ражабов. - Бу йилги мавсумни пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, намунали ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятдаги 27 та оромгоҳда 29710 нафар бола тўрт мавсумда дам олдирилиши режалаштирилган. Улар борадиган манзиллар сўлим, ҳузурбахш гўшаларда жойлашган. Масалан, Яккабоғ туманидаги Улуғбек номли оромгоҳ Қорадарё бўйидадир. Табиати бетакрор, дов-дарахтлар, анвойи гуллар билан ўралган. Эътиборлиси шуки, ўғил-қизлар бу ерда ўз саломатликларини тиклайдилар. Санаторий усулидаги шинам масканда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари етарли. Ҳар мавсумда спорт мусобақаларига, маданий-маънавий тадбирларга кенг ўрин берилади.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги мазкур оромгоҳда айни пайтда таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қурувчилар ишни сифатли бажаришга ҳаракат қилишаяпти. Муборак газ конлари бошқармаси оталиғидаги «Ёш алангачи» оромгоҳи Китоб туманининг энг гўзал ерида жойлашган. Ҳайдар Қаландаров бошчилик қилаётган оромгоҳда «Оналар ва болалар йили» Дастури асосида хайрли ишлар бошлаб юборилди. Бу ерда жорий йил мавсумида минг нафар бола энг қувончли дамларини ўтказади. Эътиборлиси шуки, етти ёшгача боласи бор оналар ҳам дам олиш имконига эга бўлдилар. Улар учун ажратилган махсус бино сифатли таъмирланиб, жиҳозланмоқда. Мутасаддилар аввалги мавсумда билдирилган таклифларни эътиборга олишди. Натижада ошхона янгиланиб, фаввора, ҳаммом қурилмоқда. Бу йил «Ёш алангачи»га Бухоро вилояти газчиларининг фарзандлари ҳам таклиф этилади.

«Ўзбурғунефтгаз» акционерлик компанияси тасарруфидаги Беруний номли, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонасининг «Нурафшон» болалар оромгоҳларида ҳам тайёргарлик яхши кетмоқда.

Бироқ, ҳамма ерда иш кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Жумладан, оромгоҳлардан қатор хўжаликларнинг бултурги қарзлари ҳамон узилмаган. Шаҳрисабздаги Навоий номли, «Ўзбекистон» хўжаликларининг раҳбарлари муҳим ишга лозим даражада эътибор қаратишмаётир.

Яқинда Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда болалар оромгоҳларини мавсумга ҳозирлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Болалар ёзини ҳар томонлама тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Ш.СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Норин туманидаги Чужа қишлоғида янги қишлоқ шифокорлик пункти очилди. Замонавий лойиҳа асосида барпо этилган шифокорлик пункти қишлоқнинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланди.

НАМАНГАН КЎРКИГА КЎРК ҚЎШДИ

Эндиликда қишлоқ аҳолиси терапевт, жарроҳ, акушер-гинеколог ва стоматологнинг малакали ёрдамидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Шифокорлик пунктида яхши жиҳозланган клиник-ташхис лабораториясидан ташқари физиотерапия бўлими, кундузги даволаниш бўлими ҳам мавжуд. Янги тиббий муассаса қурилишига 42 миллион сўм сарфланди.

Наманганда яна бир иншоот - «Вилоятнефтмаҳсулот» корхонаси фойдаланишга топширилди. Корхонанинг кўп қаватли биноси вилоят маркази кўркига кўрк бўлиб қўшилди. Шаҳарнинг Оромгоҳ даҳасига борувчи кўчалардан бири бутунлай қайта таъмирланди. Бу ишга қарийиб 150 миллион сўм сарфланди.

Наманганда янги объектларни фойдаланишга топшириш муносабати билан митинглар бўлиб ўтди. Уларда вилоят ҳокими Т.Жабборов иштирок этди.

(ЎзА).

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг еттинчи гурух жамоалари ўртасидаги беллашувларга старт берилди. Тошкентда Туркманистон, Иордания, Ўзбекистон терма жамоалари ва Хитой Тайпейи жамоаси ўзаро куч синашади.

Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қуйидагиларни қайд этди:

- Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркманистон, Хитой Тайпейи ва Иордания футболчиларини самимий қутлаймиз. Футболчиларимиз мазкур жамоалар билан футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионатининг кейинги босқичига ўтиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб боради. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида мамлакатимизга ташриф буюрган футбол байрамининг иштирокчиси ва гувоҳи бўлиб турганимиздан бахтиёрмиз.

Давлатимиз раҳбарининг жиддий эътибори туфайли жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётган юртимизда футбол энг оммавий ва севимли спорт тури ҳисобланади. Миллионлаб футбол мухлислари Ўзбекистон заминида бўладиган ёркин футбол учрашувларидан унутилмас таассурот олади, деб ўйлаймиз.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов йиғилганларни ажойиб воқеа билан табриклаб, қуйидагиларни қайд этди:

- 2002 йилда Жанубий Корея ва Японияда якун ясаладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига бизнинг юртимизда старт берилгани айниқса қувончлидир. Саралаш ўйинлари иштирокчилари мустақил Ўзбекистон эришган ютуқларга ишонч ҳосил қилади, шунингдек спорт байрамини юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрган ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлади, деб ўйлаймиз.

Минглаб ишқибозларнинг гулдурос қарсаклари остида ҳавога кўтарилган шарлар футбол бўйича 2002 йил жаҳон чемпионати саралаш босқичи Тошкентда бошланганидан дарак берди.

МҲСК спорт мажмуида бўлиб ўтган биринчи ўйинда Туркманистон футболчилари иорданиялик меҳмонларни 2:0 ҳисобида доғда қолдирди.

«Пахтакор» стадионида тантанали очилиш маросимидан сўнг ўзбекистонлик футболчилар Хитой Тайпейи жамоаси билан учрашди.

Мамлакатимиз терма жамоаси бу учрашувда 7:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

(ЎзА).

НУРОНИЙЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги қарорининг ижросини таъминлаш йўлида Жиззах вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги 8та маҳалла гузарлари қошида «Мурувват» уйлари ташкил этилган бўлиб, бу ерда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг дам олиши ва мулоқотда бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Вилоятдаги ягона «Меҳр-мурувват» маркази Пахтакор туманида ташкил этилган. Тумандаги барча ташкилот, корхона, муассасалар, фермерлар ҳомийлигида марказ биноси қурилиши ва жиҳозланиши учун 10 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Туманда истиқомат қилаётган 87 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг 60 нафари марказга жалб қилинди. Мулоқот хонаси, дам олиш, тиббиёт хонаси, улар ихтиёрида.

Шу кунгача саховатпеша ҳомийлар томонидан яхшигина маблағ марказ ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Қумқўрғонлик Олтибой Файзуллаев 10 йилдан ортиқ муддат давомида қўшни Жарқўрғон туман сув хўжалиги тизимида ишлади. 1992 йилнинг 1 сентябридан «ГАЗ-52» русумли юк машинасини ўзи созлаган ҳолда шу ташкилотда шофёрлик қилишга ўтди. Елиб-югуриб, насос станцияларининг бетўхтов ишлаб туришига ўз муносиб ҳиссасини қўшди.

Ҳайдовчи вақт ўтиши билан бир нарсани пайқаб қолди: бошқарма раҳбарияти ва бош ҳисобчи унинг ўзи, шунингдек, «Украина-1» насос станциясида машинист бўлиб ишлайдиган укаси Бахтиёрга тегишли бўлган ойлик маошлари ҳамда мукофот пулларининг бир қисмини бермай, ўз фойдаларига ишлатиб юборaётибди экан. Олтибойнинг хомчўтига қараганда, 1994-1996 йиллар мобайнида бошқарма унинг ойлик ва мукофот пули ҳисобидан 20 минг сўм, укасининг ҳисобидан эса 15 минг сўмни ўз фойдасига чегириб қолган. Бу пулларнинг ўша вақтдаги қиймати ҳақида эслатиб ўтмасак ҳам бўлар...

Шофёр ўз ҳаққини талаб қилиб, сув хўжалиги раҳбариятига бир неча бор мурожаат этди. Лекин унинг аризаси синчиклаб ўрганилмади. «Шикоятингиздаги важлар ўз исботини топмади» қабилида жавоб келаверди. Албатта, Файзуллаевнинг шикоятлари сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Н.Ҳазратқуловнинг ғашига тегмай қолмаётган эди...

Тез орадаёқ тинмай ўз ҳаққини талаб қилаётган «шикоятчи»дан қутилиш имкони пайдо бўлиб қолди. Олтибой 1996 йилнинг 24 ноябр кунги буйруқ билан икки йиллик меҳнат таътилига чиқади. Таътил 1997 йилнинг 14 январигача давом этиши керак эди. Лекин таътилнинг бор-йўғи ўн куни ўтгач, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги тизимлари қўшилиб кетиши муносабати билан иккала тизимни қайта ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Кўп ўтмаёқ Олтибой Файзуллаевнинг уйига почта орқали унинг меҳнат дафтарчаси етиб келади. Дафтарчада «Иш жойингиз тугатилиши муносабати билан сиз ўз вазифангиздан озод қилиндингиз» деган ёзув битилган эди. Таътилда юрган шофёр елиб-югурди, ўзининг бўшатилиши Меҳнат ҳақидаги қонунларга зид эканлиги ҳақида куйиниб гапиради. «Сизнинг штатингиз қисқарди» дейишди яна унга. Лекин қоидага мувофиқ, бу қисқариш тўғрисида у икки ой муддадан огоҳлантирилиши лозим эди.

«Штат қисқариши» жараёни мазкур тизимда қайси тамойилга асосан амалга оширилганлиги биз учун қоронғу, лекин битта «тамойил»дан биз яхши хабардормиз.

— Мазкур тизимда 17 йил ишлаган бўлсаму нега қисқартиришга мен тушишим керак экан? - ҳақли савол беради О.Файзуллаев. - Ахир ташкилотда энди бир-икки йил ишлаётганлар бор-ку?

Улар қисқаришга тушмас эди, чунки бири бошлиқнинг ўғли, бошқаси ўртоғи эди...

(Давоми 2-бетда)

ИШ ҲАҚИ ЎЗ ВАҚТИДА

бу энг яхши ижтимоий ҳимоядир

Йўлларнинг ҳолати юртнинг ободлиги даражасини билдиради. Шу боис Самарқандда йўл қурилишига, унинг атрофларини ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Самарқанд туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфида 230 км.дан зиёд йўл бор. Бунинг қарийб 40 километри халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар сирасига киради. Муҳими эса бу йўллар замон талабларига мос.

— Фикримча, йўллар равонлигини таъминлаш энг савоб хизматлардан биридир. Кексаларнинг «Оллоҳ йўлингни бersин» деб дуо қилишларида ҳам олам-олам маъно мужассам, — дейди Самарқанд туман автомобил йўллари бошқармаси бошлиғи Фозил Ражабов. — Ўтган йили 120 миллион сўмлик ҳажмда тўлиқ ва жорий таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Жами 5 километр масофадаги йўлларга чироқлар ўрнатилган. Туман маркази, Сочак қишлоғи, Самарқанд-Қарши йўллари четларига 5 минг тупдан зиёдроқ турли дарахт ниҳоллари экилди.

Йўллар бошқармасига қарашли корхоналарда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилган. Масалан, Янгиариқ асфальт-бетон корхонаси ўтган йили 6,4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарди. Туман эҳтиёжидан ортиқчаси Ургут, Жомбой, Пойариқ, Тойлоқ туманларига жўнатилди. Техникалардан, иш вақтидан унумли фойдаланиш туфайли рентабеллик ортди, соф фойда 12 миллион сўмдан зиёдроқ бўлди. Бунинг бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, яъни янги асбоб-ускуналар, техника воситалари сотиб олишга сарфланди.

— Йўлсозларнинг иш шароити бошқа корхоналарникидан анча яхши, — дейди туман йўллар бошқармаси касаба уюшма ташкилоти раиси Мурод Маҳмудов. — Ўтган йили жамоа шартномасида назарда тутилганига мувофиқ иш шароити яхшиланди. Ишчилар белгиланган тартибда махсус кийимбош ва бепул озиқ-овқат билан таъминланди. Корхона ҳисобидан тиббий хизмат ҳам ташкил этилган. Бу ишлар жорий йилда янада кенгайтирилади. Ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида алоҳида тадбирлар белгилаганмиз. Буларнинг энг асосийси меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўланаётганлигидир. Ўртача маош 25 минг сўмдан зиёдроқни ташкил этаяпти. Меҳнатга яраша рағбат яхши натижаларга эришишнинг муҳим омили бўлмоқда.

«Зарафшон» 2-автомобил йўллардан фойдаланиш бўлимида ҳам ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган талай тадбирлар амалга оширилаётир. Кейинги 4-5 йил мобайнидаги молиявий қийинчиликлар ортда қолди. Ўтган йилни фойда билан якунлаган мазкур корхонада ижтимоий масалаларга эътибор кучайтирилди. Хусусан, корхона ҳовлисида боғ барпо қилинди. Ишчиларнинг овқатланиш, йўл харажатларига маблағ ажратилди. Йил якуни бўйича қўшимча икки ойлик иш ҳақи тўланди. Барча ишчилар махсус кийимбош билан таъминланди. Ходимларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан баҳраманд бўлишлари учун ёрдамчи хўжалик ташкил қилинган. Умуман, бу ерда чиндан-да ўнгланиш бошланганини эътироф этиш жоиз. Корхона раҳбари Т.Жалолов «ҳали мақтагулик натижаларга эришганимиз йўқ» — деб қўя қолди камтарлик қилиб. Лекин С.Мирзаев, Х.Қобилов, М.Попов каби кўплаб ишчилар билан суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, улар корхона иқтисодиёти, ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлардан мамнун. Асосий гап одамларнинг меҳнатга иштиёқи кучайиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланганидадир.

Рустам ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

ИЛҒОР ТАЖРИБА КЎПЧИЛИК МУЛКИ

Касаба уюшма тадбирлари

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси «Она ва бола» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни бажариш юзасидан ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Тармоқ тизимида меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларини, айниқса, аёлларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга қулай иш шароити яратиш, фарзандларини соғломлаштириш борасидаги ишларни амалга оширишда Марказий қўмита тизимидаги вазирликлар, қўмиталар билан ҳамкорликда тузилган 15 та тармоқ битимининг аҳамияти катта бўлмоқда. Уларда бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 3 ёшгача фарзандлари бор оналарнинг иш вақтини бир соатга қисқартириш, ишловчи аёлларнинг ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб таътилга чиқишларини таъминлаш, кўп болали, кам даромадли оилаларга эътиборни кучайтириш, ишсизликнинг олдини олиш, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш каби масалалар кўзда тутилган.

Шунингдек, касаба уюшма фаоллари ўқувини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жойларда тармоқ тизимидаги вазирликлар, қўмиталарнинг тажрибали мутахассислари, олимлар, сиёсатшуносларнинг иштирокида ўқув семинарлар ўтказилаётир.

Хусусан, ўтган йилнинг охирги ҳамда амалдаги йилнинг дастлабки ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда фаоллари учун маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда касаба уюшма фаолларига маънавият ва маърифат ишларини ташкил этиш, миллий қадриятларимизни юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тавсиялар берилди, тажрибалар оммалаштирилди. Шунингдек, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга бағишланган учрашув ва суҳбатлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат Солиқ қўмитаси мутахассислари билан биргаликда республикамизнинг ҳар бир туманида ташкил этилган очиқ мулоқот тарзидаги учрашувларда эса Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қандай бажарилаётгани, ислоҳотларнинг бориши ҳақида тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бандлик ва меҳнат муҳофазаси масалалари, Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ва бу борадаги янгиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Касаба уюшма фаолларига Марказий қўмита томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар ҳамда тавсияномалар тарқатилди. Меҳнат, ҳуқуқ масалалари, касаба уюшма фаолиятига тегишли ҳужжатлар намуналари тўплами, жамоа шартномаларини тузиш йўл-йўриқлари, маънавият-маърифат, ахборот, молия масалаларига доир қўлланмалар шулар жумласидандир.

Республикамизнинг 102 та ҳудудида бўлиб ўтган йиғинларда 160 та шаҳар ва туманлардан 4500 нафардан ортиқ киши иштирок этди.

Марказий қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман, шаҳар кенгашлари, Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмиталари ва катта жамоалар бошланғич касаба уюшма раислари учун яна бир умумлашган ўқув семинари ташкил этилди.

Унда вилоят тармоқ қўмиталари ҳамда туман кенгашлари вакилларига фаолиятлари давомида дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида йўл-йўриқлар берилди.

Ўқув семинарда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судяси Узоқ Бозоровнинг бош Қомусимизни ўрганиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети кафедра мудири Раҳмон Фармоновнинг «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли», Тошкент Ислом университети проректори Раҳматилла қори Обидовнинг «Огоҳлик — муқаддас бурч» мавзуларидаги маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

9 май - Хотира ва Қадрлаш куни

МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ

Қоракўл туманининг «Қоракўл» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Арабхона» қишлоғида Хотира майдони барпо этилмоқда. Уч гектарли сўлим боғ марказига мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Уни ҳайкалтарош Қурбон Норхўрозов ишлаган.



Иккинчи жаҳон урушида, шўролар давридаги қатағонларда шаҳид бўлган арабхоналик мардлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг исм-шарифлари мармар лавҳаларга битилди.

Хотира майдони қурилишига, унинг чоратрофини ободонлаштиришга хўжалик 6 миллион сўмлик маблағ сарфлади. Зиёрат маскани 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни очилади.

(ЎзА).

«Навоийазот»нинг янги маҳсулоти

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида кимё саноатини ривожлантириш билан бирга халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, сунъий нитрон толадан тайёрланаётган хилма-хил матолар, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, гилам-поёндозлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Корхона ҳар ойда 280-300 миллион сўмлик рўзғорбоп маҳсулотни савдога чиқармоқда.

- Яқиндан мебел тайёрлай бошладик, - дейди халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ю.Боқиев. - Маҳаллий хом ашёдан ясалган диван, курси, ошхона ва уй жиҳозлари харидорларга манзур бўлмоқда.

(ЎзА).

Республикамиз учун чорвачилик муҳим соҳалардан бири саналади. Буни теран англаган сирдарёликлар ушбу соҳада салмоқли ишларни амалга оширишмоқда.

Сирдарё туманининг «Янги ҳаёт» ширкатлар уюшмасидаги наслчилик фермасида асосан зотли қорамоллар парваришланади. Фермадаги 410 бош қорамолнинг учдан бир қисми соғин сигир.

Бу ерда 25 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг самарали меҳнати туфайли ҳар доим сут ва гўшт топшириш шартномалари ошиғи билан бажариб келинмоқда.

Суратда: илғор сут соғувчилар Ўғилой ҲАЙДАРОВА ва Фикрия ДАГЯНОВАлар.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

унга аёллар учун қўшимча имтиёзлар киритилди

Умримизнинг энг ширин паллалари, унутилмас таассуротларимиз она бағрида кечган ҳузурли онларимиз билан боғлиқ. Шу боис она сиймоси, унинг муборак хотираси муқаддасдир. Зеро, ҳар қандай миллатнинг маданий савияси, аввало, хотин-қизларга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиром, уларнинг шу жамиятда эгаллаб турган ижтимоий ўрни билан ўлчанади.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси барча имкониятларни ишга солиб, ишловчи аёллар учун муносиб шароит яратиб бериш, ҳаётимиз гулларини эъзозлаш борасида қатор хайрли ишларга қўл урмоқда. Хусусан, жамоа шартномаларига кўпгина имтиёзлар киритилди. Жумладан, балоғатга етмаган иккитадан ортиқ боласи бўлган ишловчи аёлларга уч кундан кам бўлмаган иш ҳақи тўланадиган қўшимча таътиллар белгиланди, уларнинг маоши сақланган ҳолда иш соати қисқартирилди. Моддий неъмат яратаётган аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, санаторий-профилакторийларга иложи борича кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада муайян тажрибалар тўпланмоқда. Наманган вилоят касаба уюшмалари раислари кенгашида шу йили ўтказилган «Мурувват ўн кунлиги»да касаба уюшмаси томонидан болалар байрамлари тадбирларига 121 минг сўм ўтказилган бўлса, бунга қўшимча қилиб корхоналар ҳисобидан 1650 фарзандга совға-саломлар улашилди.

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари раислари кенгаши тадбирлари бўйича ишловчиларнинг ўқишдан кейин спорт мактаблари, секцияларга, мусиқа мактабларига қатнаётган болаларига йилда бир марта спорт кийимлари ҳамда анжомлари олиб бериш кўзда тутилган. Бухоро вилояти корхоналари, касаба қўмиталари томонидан эса 32 та кўп болали оилаларга хайрия ёрдами уюштирилди. Биргина Тошкент вилояти корхона, ташкилотларида 361та кам таъминланган оилага биринчи чоракнинг ўзида 12 миллион сўмлик ёрдам пули берилди.

Қувончлиси шуки, юқоридаги каби хайрли масалаларга барча ерда эътибор кучайиб бормоқда. Ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизларни ҳар кун, ҳар соатда авайлаб-асраш, оғирларини енгил қилиш жонажон ишимиз бўлиб қолаверади.

А.ТОШПЎЛАТОВ,
Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бўлим мудири.

АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

(Боши 1-бетда)

Кўп ўтмай Н.Ҳазратқулов янги ташкил этилган қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига бошлиқ ўринбосари этиб тайинланди. Унинг бошчилигида 1997 йилнинг 13 январ куни бошқарма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг биргаликдаги мажлиси ўтказилиб, Олтибойга чилангарлик (автослесарлик) вазифасида ишлаш таклиф этилди.

Табиийки, 10 йиллик иш стажига эга бўлган ҳайдовчига бу маъқул бўлмади.

Раҳбариятга фақат шу гап керак эди: «Мана, биз иш таклиф қилдик, бироқ Файзуллаев ишлашни хоҳламади» дейиш учун баҳона тайёр бўлди.

Шунда Олтибойга машинаси носоз эканлиги, у ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида айтадилар.

— Бекор гап, - дейди Олтибой, - машинам саройда гижинглаган тойчоқдек тайёр турибди. Яқиндагина ёнимдан 10 минг сўм сарфлаб, уни таъмирлаб қўйганман.

Шу ерда изоҳ бериб ўтиш керак: мазкур тортишув 1997 йилнинг 13 январ куни бўлиб ўтяпти. Туман ДАН бўлимидан олинган ва туман прокурори тасдиқлаган расмий ҳужжатда эса Файзуллаевга тегишли бўлган 1957 СДЖ машина то кейинги 1998 йилнинг 1 март кунигача ишлатишга яроқли бўлгани, фақат ўша 1 март кунига келиб ҳисобдан чиқарилганлиги аниқравшан қайд этилиб турибди...

Олтибой адолатни юзага чиқариш ҳаракатида бўлди. Унинг шикояти республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳам келиб тушди. Келинг, шу ўринда Файзуллаевнинг шикоятларидан бирига Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўша пайтдаги биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи йўллаган жавобга кўз югуртирайлик (гап шофёр ўзи ва укаси ололмаган пуллар ҳақида кетяпти):

«Сизнинг ишингиз юзасидан... ҳисоботни чалкаштирганлиги, ишдаги хато ва камчиликлари учун Жарқўрғон туман сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Н.Ҳазратқуловга ҳайфсан эълон қилинди, бош ҳисобчи Э.Тожиев эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

...Ўтказилган текширишлар давомида аниқланган ва сизга тўланмай қолинган ҳамда қўшимча ҳисобланган 3564 сўм пулни тўлаб бериш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Б.Абдуллаев зиммасига юклатилди. Ушбу пулни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ғазнасидан олишингиз мумкин».

Файзуллаевнинг шикояти бўйича унинг ишини республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бўлим мудири А.Горевой текширди. Мана у тузган далолатнома:

«1995 йил март ойидан 1996 йил декабр ойигача О.Файзуллаевга нотўғри тасдиқланган маош ҳисобидан 1781 сўм 65 тийин кам тўланган».

Масала ойдинлашган бўлса-да, ҳайдовчи мушкули осон бўлавермагач, Сурхондарёга О.Файзуллаевнинг шикоятини ўрганиш учун республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат ҳуқуқлари нозири М.Содиқов келди.

—Бу одам ишни ётиғи билан ўрганмади, - дейди Файзуллаев, - бошиданоқ ноҳақ эканлигим, аризаларим асоссиз эканлигини айтиб, энди ҳеч бир шикоятингиз инобатга олинмайди, деди...

— Кунларнинг бирида туман прокурори ўз ҳузурига чақириб қолди, — эслайди ҳамсуҳбатим. — У менга республика «Ишонч» газетасининг 1998 йил 19 декабр сонида босилган «Ноўрин шикоят. У қанчалик қимматга тушмоқда» сарлавҳали мақолани кўрсатди. Сўнг шундай деди: «Сиз ёзяпсиз... Бироқ қанчалар ноҳақлигингизни мана бу мақола тасдиқлаб турибди. Биз газетага ишонамиз. Энди бундан буён сизнинг бирор-бир аризангиз текширилмайди». - Не кўз билан кўрайки, «Ноўрин шикоят» мақоласи ўша М.Содиқовнинг нотўғри ҳисоботи асосида ёзилганди. Ҳозиргача шу мақолани рўкач қилишади.

Мақоладаги мана бу сўзларга аҳамият беринг: «О.Файзуллаевга турли ишлар тавсия қилинса-да, у розилик бермаган». Биринчидан, бу ерда «лар» қўшимчаси ортиқча, чунки ишлар эмас, «иш» таклиф қилинган. Мақолада яна бундай сатрлар бор: «Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси унга 2596 ва яна 1773 сўм миқдоридаги иш ҳақини (Муаллиф изоҳи: аввал кўзбўямачилик йўли билан ноҳақ ушлаб қолинган пуллари) почта орқали юборган. Бироқ шикоятчи бу ҳақни олиш учун рад жавоби бермоқда». Бу ёлғон гап. Менга аслида почта орқали 134 сўм пул юборишибди. Шу пулни олиш учун 300 сўм йўлкира сарфлаб, тегишли жойга боришим керак эди...

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Буни эндиликда ҳар бир фуқаро чуқур ҳис қилмоқда. Мустақиллик қаддимизни тиклади, қалбимизда миллий ғурур жўш урмоқда. Энди биз ўн йил аввалги кишилар эмасмиз. Хусусан, қумқўрғонлик О.Файзуллаев ҳам қатъий туриб, ўз ҳақ—ҳуқуқини талаб қилмоқда, адолат тантанасига чуқур ишонмоқда. Ўйлаймизки, унинг беш йилдан буён чўзилиб келаётган ишини тегишли ташкилотлар атрофлича ўрганиб, оқниоқ, қорани-қорага ажратиб берадилар.

Қодиржон СОБИРОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Инсондан қоладигани яхшилик, меҳру оқибат

САВОБ ДЕГАНИ ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРАДИ

Анчадан бери кўришмасдик. Қарангки, яқинда «Чорсу» бозорида учрашиб қолдик. Қадрдоним мени меҳр тўла бағрига босди.

— Бор экан-ку кўрадиган кун, - деди у энтикиб. - Кел, ука, четроққа чиқайлик, бироз бўлса-да дилдан суҳбатлашайлик.

— Бозор нима бўлади? - дедим ҳазиллашиб.

— Қўявер, аслида уйда диққинафас бўлиб кетганимдан, кўпни кўраман деб чиққанман. Худойим сени етказди.

Яқин ердаги чойхонага кирдик.

— Оббо сен-ей, тинчмисан, пенсияга чиққан бўлсанг керак? Кампиринг қалай, бизга ўхшаганларга аввало ўшалар омон бўлсин. Киши кексайганда чолкампир бир-бирига суяниб қоларкан.

Суҳбатдошим бир вақтлар катта лавозимларда ишлаган. Тенгқурлари, маҳалла-кўй ўртасида обрўси баланд эди. Саккиз йилдирки, пенсияда.

Юрагимга яқин бу инсон чуқур ўйга толганди. Унга меҳр билан тикиламан. Яхши қарибдилар, дейман ичимда. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турарди.

— Биласанми, ука, - деди у менга тик боқкан ҳолда. - Ношукурлик бўлмасину, дилимда бир армоним бор. Еб-ичишдан камчилигим йўқ. Ҳукуматимиздан ўргилай, чоли кампир пенсияни вақтида олиб турибмиз. Фақат негадир йўқлайдиганим кам, соғинаман уларни. Мақтаниш эмас-ку, ҳар ҳолда умр бўйи елиб-югуриб, ўзимни сояга олмай ишладим. Энди сезяпманки, инсон айниқса қариган чоғида бир оғиз ширин сўзга, меҳрга жуда ташна бўлиб қоларкан. Баъзида хотиним ишлаган ташкилотдан қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Байрамларда келиб совға-салом улашиб кетишади. Шундай кезларда ноқулай ҳолга тушаман. Қайтариб айтаман, буғдой нонга эмас, бир оғиз буғдой сўзга ташнаман. Ишлаган жойимдагилар лоақал телефонда ҳол-аҳвол сўрашса майли эди, бир шапалоқ қоғозга икки оғиз илиқ сўз битиб юбориш шу қадар мушкулми? Наҳотки, меҳру оқибат орамиздан кўтарилаётган бўлса? Яна ким билсин, балки омад юришган кезларда одамларга яхшилик қилиб, оқибат кўрсатиб, уларнинг қалбидан жой ололмаган бўлишим мумкин... Хуллас, шайтон кўнгилга ҳар хил ғулғулани солаверарркан.

Ношукурлик бўлмасин, қадрингга етадиганлар ҳам йўқ эмас экан. Яқинда фахрийлар ташкилотидан келишди. Наврўз билан табриклашди. Сиз катта ҳаёт йўлини босиб ўтгансиз, ёшлар билан учрашувларга таклиф қилиб турамиз, дейишди. Кимгадир керагим борлигини юракдан ҳис қилиб, бошим осмонга етди.

Эски қадрдоним билан хайрлашиб қайтар эканман, унинг гаплари вужудимни қамраганди. Нега бундай бўляпти, деган савол тинчлик бермасди. Ўшанда ҳурматли Президентимизнинг Хотира ва Қадрлаш куни ҳақидаги Фармонида қайд этилган пурҳикмат сўзлар ёдга келди. 9 май фақат Хотира куни эмас, балки айни пайтда Қадрлаш куни ҳамдир. Шуни эътиборга олган ҳолда, дилдаги бир истакни айтмоқликни лозим кўраман. Бунга юқорида ҳикоя қилганим эски қадрдоним ҳолати туртки бўлди. Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ўша қутлуғ фармонда ўтганларнинг хотирасини ёдлаш билан бир қаторда тириклар ҳурматини жойига қўйиш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бутун умрини эл-юрт хизматига бахшида этган табаррук инсонлар меҳримиздан, эътиборимиздан узоқлашмаслиги керак. Баъзида Олтмишвой, Етмишвойлар билан суҳбатда ўзим ҳам сезиб қоламан, уларнинг рўзғорида кам-кўст йўқ. Фақат бир оғиз ширин сўз, эътиборга жуда-жуда муштоқ улар. Зеро, бу ёруғ жаҳонда бир-биримизни йўқлаш инсоний бурчимиз эканлигини бир сония бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ!

Корхона, муассаса ва ташкилотларда пенсияга чиқиб кетаётганлар ўрнига ёшлар келаяпти. Ўринбосарларимиз мендан аввал шу ерда ким ишлаган, ундан бизга қандай хотира қолган, деб ўзларига ўзлари савол бersалар айни муддао бўлур эди. Шубҳасиз, бунда ўша жамоага бош бўлган биринчи раҳбарнинг тутган йўли ҳал қилувчи рол ўйнайди. Катта арава қай йўлдан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан юради, деган сўз бекорга айтилмаган.

Ота-боболаримиз нақадар топиб гапиришган: мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек. Арпа эксанг арпа, буғдой эксанг буғдой ўрасан. Бу ҳаёт қонуни.

Умр — оқар дарё. Йиллар ўтиб кетганини сезмай ҳам қоласан киши. Бас, шундай экан, эзгу ишлар қилиб қолишга шошилайлик. Дуо олганнинг иши юришади, умри узоқ бўлади. Ҳадиси шарифда айтилганидек, одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир. Карамли бўлайлик, меҳримизни ўзгалардан дариғ тутмайлик, чин ихлос билан эзгулик уруғини сепсак, иншоолло, савоб деб аталмиш ўз мевасини беради.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

ОЛИС ҚИШЛОҚ ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ

Қашқадарё вилояти аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳукуматимизнинг тиббиётга оид қарори, Давлат дастурини бажариш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан хизмат кўрсатишнинг сифат даражасини яхшилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йилнинг биринчи чорагида тиббий хизматлар учун давлат бюджетидан 1 миллиард 931 миллион сўм маблағ сарфланди.

Биз вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раҳматулла Раҳмоновни олис тоғ қишлоқларидан бири Оммоғонда учратдик. Унинг ёнида Шаҳрисабз туман марказий шифохонасининг бош врачи, Олий Мажлис депутати Фотима Бадалбоева бор эди.

Фотима Бадалбоева 1985 йилдан бери туман марказий шифохонасининг бош врачи, тажрибали акушер-гинеколог, оналарнинг яқин маслаҳатчиси ва севимли шифокори. Аҳоли соғлиғи йўлида елиб-югураётган Фотима опанинг ташаббуси билан туман марказий шифохонасида реанимация бўлими, хотин-қизлар маслаҳатхонаси, ташхис марказа, Ҳисор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 35 ўринли, Хитой, Сайёд қишлоқларида шифохоналар қад ростлади.

— Яқинда қишлоқ врачлик пунктини ишга туширдик, — дейди туман бош ҳакими. — Бу тиббиёт муассасаси Болта Фозилова номидаги жамоа ширкат хўжалиги ҳомийлигида қурилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ўтган йили вилоятда янгидан қурилган ана шундай 33 та қишлоқ врачлик пункти хизматидан аҳоли бахраманд бўлмоқда. Бундай қулайликлар фуқаролар соғлигини муҳофаза қилишга самарали таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун бўлса керак, вилоятда оналар ва болалар ўлими, турли касалликлар анча камайди.

Ҳозир вилоят аҳолисига 14 та туман марказий шифохонаси, 1091 та даволаш-профилактика муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Жойларда 98 та шифохона бўлиб, улардаги ўринлар сони 10412 тани ташкил этади.

Амбулатория, поликлиникалар сони 338 тага, қишлоқ врачлик пунктлари 97 тага етди. Бундан ташқари, олис қишлоқларда 29 та участка шифохоналари ишлаб турибди.

Вилоят ҳокимлигининг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланиб бормоқда. 450 миллион сўм маблағ сарфланиб қурилган 220 ўринли тез тиббий ёрдам маркази замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тажрибали шифокор, фан номзоди Мели Ҳусанов раҳбарлик қилаётган бу шифо масканига 28 минг АҚШ доллари миқдорида нейрохирургик асбоблар тўплами олинди.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Қарши филиалининг ишга туширилиши оналар ва болалар соғлиги муаммоларини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Олийгоҳ филиалини қуриш учун давлат бюджетидан 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Тиббиёт фанлари доктори У.Юсупов бошчилик қилаётган марказда 12 нафар илмий ходим ва тажрибали мутахассислар ишлаб турибди. Зиёда Авлиёқулова раҳбар бўлган «Оналар ва болалар скрининги» марказига 80 минг АҚШ доллари қийматидаги Дельфия аппарати ўрнатилди.

Германиянинг Карл Шторц фирмасидан 71 миллион сўмлик 2 та лапараскоп аппарати, ҳар бири 800 минг сўм турадиган 10 дона хирургия ускуналари тўплами, Японияда олинган 2 дона ультратовуш ташхис қўйиш, 2 дона наркоз аппаратларининг ўрнатилиши касалликларни аниқлаш ва даволашни яхшилаш имконини берди.

ДОТС программаси бўйича 5 миллион сўмлик немис маркаси миқдорида 6 турдаги силга қарши дори-дармонлар, диагностика ускуналари, ўқув жиҳозлари келтирилмоқда. Эндиликда Қаршида сил касалликларини даволаш учун ўқув маркази ташкил этилиб, Сурхондарё, Бухоро ва қашқадарёлик тиббиёт ходимлари ўз билим ва малакаларини оширадилар.

— Вилоятдаги 1 миллион 116 минг хотин-қизнинг 535149 нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади, — дейди бошқарма бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Шерали Нурматов. — Мавжуд 895 минг 704 боланинг соғлигини муҳофаза қилиш эса алоҳида эътиборда турибди.

Вилоятда болалар учун 19 та шифохона, Китоб туманида «Оналар ва болалар» шифохонасининг ишга туширилиши тоғлик аёллар болаларини даволаш учун катта имконият яратди. Аёллар учун 4 та мустақил туғруқхона ҳамда марказий шифохоналар ҳузурида уларнинг 15 та бўлимлари ишлаб турибди. Ҳамма туманларда Оналар марказлари очилган. 478 акушер-гинеколог, 1017 нафар болалар врачларининг самарали меҳнатлари ўз самарасини бераяпти.

Оналар ва болалар шифохоналарига 11 та хорижий мамлакат фирмаларидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси орқали 375 миллион сўмлик мурувват ёрдамлари, дори-дармонлар олиб келиб тарқатилди. Даволаш-профилактика муассасаларини юмшоқ инвентарлар билан таъмирлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 100 миллион сўмнинг 10 миллиони жорий йилнинг биринчи чорагида олинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «ЮНИСЕФ» болалар фонди орқали зилзиладан талофат кўрган тиббиёт муассасаларига 330 миллион сўмга тенг бўлган асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар берилди.

— Мамлакатимизда ҳар бир инсон тутган мавқеига, мансаби ёки бойлигига қараб эмас, эҳтиёжига қараб тиббий ёрдам олиши керак, деган эди Президентимиз, — дейди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи Раҳматулла Раҳмонов. — Биз даволаш-профилактика ишларини ана шу талаблар асосида ташкил этяпмиз.

Воҳада ўз касбини улуғлаб, эл-юрт хизматига сазовор бўлган шифокорлар кўпчиликни ташкил этади. Тиббиёт фанлари докторлари Тоштемир Ўнгбоев, Баҳодир Аминов, фан номзодлари, жарроҳлар Каримал Элмуродов, Абдушукур Халилов, Қилич Нурмуҳаммедов, травматолог Ҳамро Эрназаров, малакали врачлар Ҳамроқул Юнусов, Муяссар Имомова, Ҳасан Каримов, Ойсифат Расулова, Зебо Болтаевалар шулар жумласидандир.

Қариялар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда даволашга алоҳида эътибор берилмоқда. Улардан 310 нафари «Семашко» номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институти сиҳатгоҳида, 31 нафари республика уралогия илмий-текшириш марказида соғлигини тиклаб келди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЛИЙ БАХТ

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: 1. Касб касаллиги бўйича II-гуруҳ ногирони бўлган педагогни тўлиқ ёки қисман (8 соатгача) ишлаш имконияти бўлса ВТЭК унинг ишлашига рухсат берадими?

2. Пенсияга чиққан ўқитувчиларнинг пенсияси 13 минг сўмдан ошмаслиги керак эмиш. Шу тўғрисида бирон бир қонун ҳужжати борми?

3. I-даражали «Соғлом авлод ордени» соҳибларига коммунал хизматлардан фойдаланишда қандай имтиёзлар берилади?

Б.РАҲИМОВ,
И.ПИРОВ,
Шовот тумани.

ЖАВОБ: 1. II-гуруҳ ногирони бўлган педагогнинг ишлаш ҳоҳиши бўлса, тиббий текширув натижаларидан кейин ВТЭКнинг унинг ишлашини тақиқловчи махсус хулосаси бўлмаса иш берувчи билан келишган ҳолда ишни давом эттириши мумкин.

2. Пенсияга чиққан ўқитувчиларнинг «пенсия пули 13 мингдан ошмасин» деган кўрсатма ёки бирон бир қонун ҳужжати амалдаги қонунчилигимизда назарда тутилмаган.

3. I-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар йилига бир марта (ҳар икки томонга) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида темир йўл, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобил транспортида бепул юрадилар;

— шаҳар йўловчилар транспортида, қишлоқ жойларида автомобил транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланадилар;

— имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олиш;

— квартира ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

I-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти оладилар.

Саволингизга Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Неъмат ХОЛБОЕВ жавоб беради

САВОЛ: 1954 йилдан колхозга аъзо бўлиб, 1982 йилга қадар хўжаликда (раҳбар лавозимида) ишлаганман. Ҳозир пенсиядаман. Мен ширкат хўжаликларида илгари 29 йил ишлаганлигим учун дивидент олишга ҳақлиманми?

К.ҚУРБОНОВ,
Гурлан тумани, Урганч кўчаси 10-уй.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасидаги ширкат хўжаликлари ўзларининг ички Низоми ҳамда 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунга, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да пай жамғармасини шакллантириш, мулкий пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидентлар тўлаш тартиби тўғрисида»ги Намунавий низомларга асосан иш юритадилар.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да пай жамғармасини шакллантириш, мулкий пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидентлар тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг П-бўлими 11-13-бандларида ширкат хўжалиги пенсионерларининг мулкий пайини ҳисоблаш тартиби берилган:

* Ширкат хўжалиги пенсионерларининг мулкий пайлари умумий мажлис қарори билан пай жамғармасининг ўн фоизигача миқдорда белгиланади ва тақсимланади. Бунда ҳар бир ширкат хўжалигининг ички шароитлари ҳисобга олиниши лозим.

* Ҳар бир пенсионернинг ширкат хўжалигида ишлаган меҳнат стажи аниқланади ва пенсионерларнинг стажлари йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади.

* Пай жамғармасининг пенсионерларга ажратилган қисми ширкат хўжалигидаги барча пенсионерларнинг умумий меҳнат стажига бўлинади ва бир йиллик стажга тўғри келадиган мулкий пай қиймати аниқланади.

* Бир йиллик стажга тўғри келадиган мулкий пай қиймати пенсионернинг умумий стажига кўпайтирилиб, унинг мулкий пайи миқдори белгиланади.

ТЕРМИЗНИНГ ЯНГИ ДЎКОНИ

Термиз марказида «Диёр» супермаркети ишга тушди. Бинони 261-кўчма жамланма ҳамда «Мармар» кичик корхонаси қурувчилари 154 миллион сўмга қуриб беришди.

Ўнта бўлимдан иборат супермаркетда саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ширин ва яхна ичимликлар билан савдо қилинади.

«Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси раиси И.Нажмиддинов бинонинг рамзий калитини супермаркет раҳбари Абдунаби Бобоқуловга топшириб, бу маҳобатли дўкон Термизнинг 2500 йиллик тўйига тўёна бўлди, деб таъкидлади.

«Туркистон-пресс».

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари

КУРАШЧИЛАР ПАХТАКОРДА БЕЛЛАШАДИ

Жиззахда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари республика мусобақаларининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Бу ерда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари олти кун давомида спортнинг етти тури бўйича ўзаро куч синашади. Мусобақалар Жиззах шаҳрида ҳамда Ғаллаорол, Бахмал, Пахтакор туманларида ўтказилади.

Мусобақа дастурига киритилган миллий кураш беллашувлари Пахтакор туманидаги касб-ҳунар коллежида бўлади. Бугун туманда мусобақа қатнашчиларини кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

- Республикамиз Президенти ташаббуси билан ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари мусобақаларининг вилоятимизда, қолаверса туманимизда ўтказилиши биз - Сангзор воҳаси аҳлини қувонтиради, - дейди коллеж раҳбари Қ.Сатторов. - Миллий кураш мусобақаларига коллежимиз лойиқ топилгани биз учун ҳам шараф, ҳам масъулиятли вазифадир.

Коллежимиз 300 га яқин спортчи ва меҳмонларни кутиб олишга шай. Ётоқхона, ошхона бинолари ҳамда спорт заллари рисоладагидек таъмирланган. Бу ишларни амалга оширишда тумандаги 7 ва 13-қурилиш жамланмалари, йўл қурилиш бўлинмаси ҳамда 112-автоулов корхонаси ишчи-хизматчилари ташаббускорлик кўрсатдилар. Ўқувчи ёшларимиз эса коллеж ҳовлисини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда фаол иштирок этди. Тўрт минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, ўнга яқин гулзор барпо этилди.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири

Бойчечак

БИР ГУЛ БЎЛИБ УНДИМ, ВАТАН

Осмон бўлиб, осмонларни бўйлаб ўтдим,
Ўтган барча аждодларим ўйлаб ўтдим.
Дилда меҳринг, муҳаббатинг сўйлаб ўтдим,
Тупроғингга юрагимни кўмдим, Ватан.
Боғларингда бир гул бўлиб ундим, Ватан!

Гар қийналсам суянгувчим, дармонимсан,
Боболардан мерос қолган иймонимсан.
Булбул бўлиб куйлагувчи забонимсан,
Тупроғингга юрагимни кўмдим, Ватан.
Боғларингда бир гул бўлиб ундим, Ватан!

Болалигим изи қолган баҳоримсан,
Ҳофиз этиб куйлатгувчи дил торимсан.
Жонда ишқи ёниб турган чин оримсан,
Тупроғингга юрагимни кўмдим, Ватан.
Боғларингда бир гул бўлиб ундим, Ватан!

Мен йўлларда адашмасман — сарбоним бор,
Гуллаб-яшна, деган доно боғбоним бор.
Ҳар гиёҳинг қатларида бир жоним бор,
Тупроғингга юрагимни кўмдим, Ватан.
Боғларингда бир гул бўлиб ундим, Ватан!

КЎНГИЛ

Эй кўнгил, сандан наволик истадим,
Бедаво ишққа даволик истадим.

Ноумид эттинг мани дил уйида,
Лаҳза-лаҳза ошинолик истадим.

Дўсти ёр чиқди бугун ағёрларим,
Бевафо чархдан вафолик истадим.

Карбало даштида Лайломан бугун,
Ўзни Мажнунга адолик истадим.

Воҳ, анинг кўзида афсун бормиди,
Ул қаро кўздин даволик истадим.

Норавo этди мени дийдорлари,
Ҳажрини жонга раволик истадим.

Эй Насиба, куйма ҳаргиз кўйида,
Жабрида васли сафолик истадим...

Насиба КАМОЛОВА.

Термизда Ўзбекистон халқ рассоми, академик Рўзи Чориев асарлари галереяси ташкил этилмоқда. Бунинг учун шаҳар марказидан алоҳида бино ажратилди. Шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан қайта таъмирланаётган Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри мажмуига киритилган кинотеатрнинг бир нечта залига рассомнинг доимий кўргазмаси жойлаштирилади.

МУСАВВИР АСАРЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИ

- Термизнинг 2500 йиллик юбилейи нишонланадиган қутлуғ йилда асарларим намойиши учун шундай ажойиб бино ажратилганидан хурсандман. Менга илҳом бахш этган сурхондарёлик юртдошларим образи, воҳанинг бетакрор табиати акс эттирилган асарлар учун доимий кўргазма ташкил қилинаётгани мени янги-янги ижодий ишларга даъват этади, - дейди таниқли рассом.

Кино

«Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганини қайд этиш лозим». Президентимиз Ислом Каримовнинг бу сўзларини аудиовизуал санъатларнинг кечаги ва бугунги кунини, истиқболини назарда тутиб ўрганса-к, муҳим хулосаларга келамиз.

ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

Экран санъати ҳақида фикр юритганимизда аввало унинг ўтмиш саҳифаларини «тиклаш», бадиий тасвирлаш, бугунги ҳаёт оқимини киносолномага мухрлаш имкониятларини, айниқса, инсон руҳияти, орзу-умидлари, интилишларини кўрсата олишни назарда тутамиз. Шу билан бирга кино маҳсулоти кўп ўринда юксак ғояларга ташналиги сезилиб қолади, образлар саёзлиги, баъзан эса кишини чалғитадиган, онгини заҳарлайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Янглиш концепциянинг бадиий ифодаси бўлмиш муайян кино асарининг ҳам таъсир кучи катта бўлиши мумкин. Масалан, келажакда инсон ўзи яратган роботлар, «ақлли» машиналарнинг қули бўлиб қолиши мумкин — шу каби мулоҳазалар кенг тарқалишида, айрим кишиларнинг онгига ўрнашиб қолишида худди шу мавзудаги кино ва телевизион асарларнинг кўплаб ишланиши, кенг тарғиб қилиниши сабабчи бўлмадими?! Футурологлар эса чорак аср муқаддам бонг урмоқчи бўлганлар, гулдан завқ олиш ўрнига унинг кимёвий таркибини ўрганиш даражасига тушиб қолиш хавфи аввало, кинодан келиб чиқаётганини қайд этган эдилар... «Жангари» фильмларнинг таъсир кучини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Кундалик ҳаёт, ёшларнинг тарбияси хорижда суратга олинган ва эфир орқали, баъзан эса катта экран воситаси ила ўзгаришга учратаётганини унутмаслик лозим. Шу боис «таъсир кучи» юксак бўлган кино, ТВ асарлари марказида шундай қаҳрамонлар бўлсинки, бадиий баркамоллиги, гўзаллиги, бунёдкорлиги, меҳри, саховати, самимияти, элюртга садоқати билан кўпчилик эътиборини қозонсин. Ҳайрат уйғотсин! Юртбошимиз кун тартибига қаҳрамон масаласини қўйишни таклиф этганлари бежиз эмас. Юртимизга Ватанини жон дилидан севадиган, унга истеъдоди, билими, ақл-заковати ила хизмат қиладиган кишилар керак. Бундайларни санъат, адабиёт тарбиялайди. Инсон фаолиятининг бу серқирра, ниҳоят нозик ва мураккаб соҳаси эса қаҳрамон билан, уни танлаш, бадиий ифодалаш билан боғлиқ.

Хўш, бу масала бадиий кинода қай даражада ҳал этилмоқда?

Бу саволга «тўғри» ёки «нотўғри», «яхши» ёки «ёмон» сўзлари билан жавоб бериб бўлмайди. Зеро, қаҳрамон танлаш ҳам, уни сценарийда, фильмда тасвирлаш жараёни ҳам зиддиятларга тўладир. Соҳибқирон Амир Темурнинг ёркин сиймосини яратиш йўлидаги изланишни қўллаб-қувватлаган ҳолда бу қаҳрамонга бағишланган сценарий ниҳоятда заиф ёзилганлигини бир эслайлик-а... Ёки Алпомишнинг улуғвор образини экранда гавдалантириш йўлида олиб борилган қизғин ижодий, иқтисодий, ташкилий-техник ишлар нима билан тугади? Болалар учун фильмлар яратиб келган режиссёр Ҳ.Файзиев океанни эслатувчи баҳодирлик эпосини экранда сақлаб қола олмади афсус. Достоннинг Фозил Йўлдош ўғли айтган вариантига катта ҳурмат билан қараган, ундаги ҳар бир образни, воқеани сценарийда сақлаб қолиб буюк асарнинг гуманистик фалсафасини, умуминсоний ғояларини кинотомошабинга етказмоқчи бўлган ёзувчи меҳнати ҳам кўп ўринда зое кетди. Қаҳрамоннинг юксак фазилатларини, юртига садоқатини, билак кучинигина эмас, аввало ақл-заковати, меҳри садоқатини кўрсатишга қодир бўлган ижрочилар ансамбли, уларнинг ижросини тўлдирадиган сермазмун тасвир, мажозий ифодалар, юксак савиядаги режиссура ҳам сув билан ҳаводек зарур эди. Ватан ишқида ёнган, севикли ёри Ойбарчинни шу она заминнинг муқаддас бир қисми деб билган ва куч-қудрати, эҳтироси, ҳис-ҳаяжонини адолат тантанаси учун сарфлаган паҳлавоннинг маънавий дунёсини фақат ташқи қиёфаси мос келган ҳаваскор ижрочилар намоён этиши бошданоқ шубҳа уйғотган эди. Шунингдек Алпомишнинг руҳий тетиклиги, маънавий бойлиги, севгига умрбод содиқ қолиши, юртини улуғлаши ва унинг душманларини тенги йўқ камони, шамшири билангина эмас, аввало иродаси, оқил ва одил сўзи, кучни адолатда, деб билиб иш кўриши — хуллас, бой тафаккури ила ғолиб бўлишини кўрсатиш учун унинг душманлари ҳам актёрлар талқинида карикатура даражасига тушиб қолмаслиги керак эди. Афсуски, шундай бўлди...





Узоқ ўтмиш билан боғлиқ бошқа бир асар — «Имом Бухорий»да мусулмон илмининг жонкуяри сиймоси анча мукаммал ишлангани, давр, муҳитнинг нозик таърифи берилгани, узоқ, ниҳоятда самарали сафардан қайтган буюк аллома ҳаётининг сўнгги кунлари драматик воқеаларга тўлиб тошгани катта бадиий куч билан кўрсатилгани кино аҳлининг Имом Бухорийга бўлган меҳрини яна бир бор бутун бўй-басти билан кўрсатди.

(Давоми бор)

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Бу турфа олам

КОМПЬЮТЕР ҲАМ ЁМОН МУКОФОТ ЭМАС

Ҳозир мисрликлар орасида «эҳ, шу нодон болалар ўрнида мен бўлганимда эди», деган иборани кўплаб эшитиш мумкин. Гап шундаки, Қоҳирадаги савдо коллежининг икки толиби кўчадан 150 минг АҚШ доллари топиб олди. Кейин нима қилди, денг? Улар энг қийин ва кўпчиликка маъқул бўлмайдиган қарор қабул қилди - пулни ўзлари таълим олаётган коллеж директорига олиб бориб топширди. Директор ҳам ўта инсофли чиқиб қолди. Шу заҳоти пул эгасини қидиришга тушди.

Тўғри-да, 150 минг доллар оз нарсами? Бу пулга ишбилармонлик фаолиятини бошлаш, яхши уй сотиб олиш ёки уйланиш, ҳеч бўлмаганда, кўнгилга ёққан бирор телбанамо ишни қилиш мумкин.

Хуллас, директор пул орасидан япон сайёҳининг паспортини топди ва Японияннинг Қоҳирадаги элчихонасига қўнғироқ қилди. Пул эгасига қайтарилди.

Инсофли толиблар ва устознинг қилган иши жамоатчилик орасида эътиборсиз қолмади, албатта. Воқеадан хабар топган Миср таълим ва тарбия вазири Ҳусайн Баҳоуддин улар билан шахсан кўришишга қарор қилди. Ўқувчиларнинг ҳар бирига компьютер совға қилинди. Директор эса ёшларни тарбия қилишда кўрсатган алоҳида хизматлари учун шахсан вазирдан ташаккурнома олди.

(ЎзА)

Футбол

САФАРГА ҲУШИ ЙЎҚ «ТРАКТОР»

Футболда уйинг девори ҳам ёрдам беради, деган гап бор. Чамаси, Тошкентнинг «Трактор» жамоаси бу нақлга мавсум охиригача оғишмай амал қилишни режалаштириб қўйган кўринади. Фарғона, Андижон, Қарши... Мана куни кеча Термизда ҳам ўша ҳол қайтарилди. Анча бўш ўйин кўрсатиб мухлисларининг ҳақли эътирозини эшитиб келаётган «Сурхон» ўз майдонида «Трактор»ни қабул қилиб, муҳим уч очкога эга бўлди. Тошкентликлар ўз дарвозаларидан ўтказиб юборган ягона тўпга ҳам жавоб қайтара олмадилар.

Чемпионликка асосий даъвогарлар — «Нефтчи» ва «Насаф» навбатдаги ғалабани қўлга киритдилар. Фарғоналиклар ўз қўшнилари «Андижон» клуби устидан 3:1 ҳисобида устун келган бўлсалар, қаршилик футболчилар лига дебютанти «Академия»ни имтиҳондан ўтказдилар. Ўйин шиддатли кечди, буни ҳисоб ҳам тасдиқлаб турибди — 2:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Семурғ» — «Зарафшон» — 1:1, «Навбаҳор» — «Турон» — 3:0, «Металлург» — «Кимёгар» — 0:0, «Бухоро» — «Самарқанд-Динамо» — 3:2, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 1:0.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Насаф»	8	7	0	1	17-5	21
2. «Нефтчи»	7	6	1	0	22-6	19
3. «Пахтакор»	6	5	0	1	17-5	15
4. «Навбаҳор»	6	4	0	2	12-7	12
5. «Дўстлик»	7	4	0	3	15-11	12
6. «Бухоро»	7	4	0	3	14-10	12
7. «Трактор»	8	4	0	4	12-12	12
8. «Қизилқум»	7	4	0	3	4-5	12
9. «Академия»	7	3	1	3	12-11	10
10. «Самарқанд-Д»	6	3	0	3	12-14	9
11. «Сурхон»	7	3	0	4	10-14	9
12. «Зарафшон»	7	2	2	3	12-10	8
13. «Кимёгар»	7	2	1	4	6-12	7
14. «Турон»	7	2	0	5	4-14	6
15. «Металлург»	6	1	2	3	5-11	5
16. «Андижон»	7	1	1	5	6-16	4
17. «Сўғдиёна»	6	1	0	5	3-11	3
18. «Семурғ»	6	0	2	4	2-10	2

Юлдузлар ҳақида ҳикоялар

ПЕЛЕНИНГ 1000 — ГОЛИ

Машҳур футболчи тарихда ҳеч ким эришмаган бу ғалабасини болаларга бағишлади

Ўйин жуда кескин ўтди. Биринчи бўлимда тўп Пелега онда-сонда тегди. Бу «Васко» ҳимоячилари уни қаттиқ қўриқлаганликлари учунгина эмасди. Гап шундаки, Пеленинг шериклари унга жуда ҳам ёрдам беришни исташар, ҳаддан ташқари шошма-шошарлик билан тўп узатишарди. Шу важдан уларнинг Пелега оширган тўплари рақибларнинг «ўлжа»сига айланиб қолаверарди. Лекин, айтиш мумкинки, «Сантос» Пеленинг мингинчи тўпига шунчалик жон куйдирдики, ҳаттоки ўз дарвозасини қўриқлашни эсдан чиқариб қўйди. Оқибатда «Васко-да Гама» ҳисобни очди. Иккинчи бўлимнинг бошида Пеленинг қўриқчиси Рене «қирол»га оширилган тўпни тўхтатаман деб ўз дарвозасига киритиб қўйди. Шундан сўнг вазият янада кескинлашди.

77-дақиқада Пеле Рене ва Эбервал орасидан жарима майдончасига ёриб кирди. Тепиш керак! Лекин сўнгги лаҳзада Рене уни чалиб йиқитди. Эътироз қилинмайдиган, заррача ҳам гумон туғдирмайдиган пенальти. Ўйин тўхтатилди. Ҳакам тўпни 11 метрлик белгига қўйди. Ие, бу нимаси? Пеле пенальтини тепишга унамаётир.

У нохушгина бош қимирлатиб, «Сантос»нинг «штат»ли пенальтичиси Карлос Альбертони қўли билан имлаб чақираётганини Андрада қўриқлаётган дарвоза орқасидан яхши кўриб турибман. «Бундай бўлиши мумкин эмас!» — ҳаяжонланиб қичқирди камерасини елкасига қўйиб олган «Жорнал дос спортс»нинг фоторепортёри. Лондондан шу учрашувни, аниқроқ қилиб айтганда, шу голни деб учиб келган Би-Би-Си компаниясининг оператори эса бошини чангаллаб қолди.

Минбардагилар тўс-тўполон кўтарди. Мана қаердандир, ишқибозлар орасидан «Пе-ле, Пе-ле» деган ҳайқириқлар пайдо бўлди. Бу овоз кучая бориб, бутун «Маракана»га тарқалди ва улкан ўйингоҳ оёққа турди. Шундан кейингина Пеле тўпга яқинлашди. У ҳаяжонланар, дарвозабонга қарамасликка ҳаракат қиларди. Тўпни тўғрилагач, эгилиб гетрасини тузатди. Қаддини кўтариб, нафасини ростлади. Кейин қўли билан сочини силаб қўйди. Пеле шундай қиёфада эдики, гўё бу гол билан унинг тақдири ҳал бўлаётгандек эди. Ниҳоят, у орқага қайтди. Андрада муштларини қисганча туриб олди. Бутун атроф сув қуйгандек жим-жит. Репортаж олиб бораётган ўнлаб радиостанциялар, кинооператорларнинг камералари, овозлари бир зумга тинди.

Пеле секин-аста қадам ташлаб ҳар доимгидек шошилмасдан, лекин негадир истамагандек югуриб борди. Тўпга ярим қадам етмасдан ҳаракат маромини сезиларли ўзгартириб орқага қайтди... Унинг оёғи тегиши билан минглаб камералар ҳаракатга тушди. Тўп пастки бурчакка тепилди, Андрада тўпга ташланди. Панжасининг учи тўпга тегди, бироқ зарбанинг йўналишини ўзгартиролмади. Тўп тўрни қимирлатиб, дарвоза ичида туриб қолди. «Маракана» портлаган вулқонга ўхшаб ларзага келди. Пеле дарвозага югурди ва тўпни қўлга олиб, ўпа бошлади. Сўнгра голни суратга олган репортёр ва операторлар сумкаларини кўтариб бир-бирини сурган ҳолда майдонга бостириб кирдилар. Улардан кейин «Сантос» ва «Васко-да Гама»нинг заҳирадаги ўйинчилари ҳам югуришди. Тўсиқларни забт этиб, юзлаб томошабинлар майдонга ташландилар. Полиция эса уларни тўхтатишга ошиқмас, чунки уларнинг ўзлари ҳам журналистларнинг елкасида даврани айланаётган Пеленинг орқасидан қувонч билан чопишарди. Кимдир Пеленинг майкасидаги анъанавий «10» ўрнига 1000 рақамини ёпиштириб қўйди. Ўйингоҳ ходимлари ёдгорлик лавҳасини кўтариб олдилар.

Пелега ўнлаб микрофонлар узатилди. Ҳали ҳам журналистлар елкасида ўтирган футбол «қироли» кўз ёшларини артиб, ишқибозларга қаради. Кейин хириллаган, дудуқланган, қандайдир бегона овоз билан тез-тез гапира кетди: «Мени бутун мамлакат тинглаётган ва томоша қилаётган шу дамларда қуйидагиларни айтишни истардим. Дўстлар, келинг, кулбаларда яшаётган камбағал, қашшоқ, оч-яланғоч болаларни ўйлайлик! Ҳаммамиз биргалашиб уларга ёрдам берайлик!... Мен ҳам оч-яланғоч бола бўлганман, шунинг учун ҳам очарчилик нима эканлигини яхши биламан. Келинг, етим-есир болаларга, бутун Бразилия болаларига ёрдам берайлик. Бугунги мингинчи голимни уларга бағишлайман!»

Ўйин тугашига яна ўн минутдан зиёд вақт бор, бироқ бу ҳеч кимни қизиқтирмасди. Минглаб ишқибозлар, беҳисоб оломон кийимхона олдида Пеленинг «Сантос» автобусига чиқишини кутарди...

Муҳаммаджон КАРИМОВ таржимаси.

(Охири. Боши газетамизнинг ўтган сонларида)

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 123456